

## ШАРТНОМА № 2

(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш, хизмат кўрсатиш хақида)

2022 йил « 08 » Январь

Марғилон ш.

Марғилон шаҳар Мактабгача таълим бўлими мудири X.Қурбанова  
(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

бундан буён бир томондан «Харидор» деб юритилади, низом асосида харакат килувчи, иккинчи томондан  
"Волида"Ф/Х рахбари Г.Сатторов

(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва қуидагилар ҳакида ушбу  
шартнома тузилди.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса қабул килиб олинган  
маҳсулот ёки товар (кўрсатилган хизмат) учун тўловларни белгиланган тартибда амалга ошириш  
мажбуриятини оладилар.

### II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

т/р №	Товарнинг номи	Үлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Музлатилган мол гўшти	Кг	2250	55000	123 750 000,00
	Жами:				123 750 000,00

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: Бир юз йигирма уч миллион етти юз эллик минг сўм.  
(ракамлар, езувлар билан)

### III.ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, маҳсулот (кўрсатилган хизмат)нинг  
30 фоизи миқдорида пул маблагини олдиндан ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товар-маҳсулотларни етказиб бериш транспорт харажатлари «Сотувчи» томонидан амалга  
оширилади.

### IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга кириб олдиндан 30%тўлов амалга оширилгандан  
сўнг товарни 1 ой муддат ичida «Харидор»га етказиб бериши шарт.

(товар етказиб бериш муддати)

### V. ТОВАР СИФАТИ.

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки маҳсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга  
(мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий хужжатлар ва «Харидор»нинг талабларига мос келиши  
шарт.

### VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя килган холда ўз вақтида «Харидор»га товарни етказиб  
бериш;
- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб  
қўйиш хукуқига эга;
- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилмаганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг,  
сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичida алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан  
сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.
- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларни хисоб-варакларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот  
навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варакларни  
белгиланган тартибда ракамлаб, тўлиқ реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя килган холда тўловларни амалга ошириш,  
товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига,  
сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул килиб олиши лозим.
- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқлангандан сўнг, ушбу  
тўғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу ҳақида З кун ичida «Сотувчи»ни огохлантириш.
- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган  
хисоб-вараклар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл кўйилмайди.

### VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Конунчилигига шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» томонидан «Харидор»га товар ва маҳсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечикирилган хар бир кун учун етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 0,5 % миқдорида «Харидор»га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечикирилган маҳсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбор тараф ушбу маҳсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлашига сабаб бўлади.

7.4. «Харидор» томонидан олинган товар ёки маҳсулот учун тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда кечикирилган хар бир кун учун кечикирилган сумманинг 0,4 % миқдорида «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечикирилган сумманинг 50 % дан ортик бўлмаслиги лозим.

7.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар ёки маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўтладаги фарқ етказиб берувчи томонидан копланади.

## **VIII. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

8.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга карши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги конунларга риояи этишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирларига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

8.2. Томонлар коррупцияга карши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дархол ёзма равища (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор килиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб килиш хуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ун) иш куни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

8.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хаф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион холатни пасайишига олиб келмаса бошқа томон шартномани бекор қилиш хуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

8.4. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳакли бўлади.

## **IX. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.**

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги холатларга: сув тошқини, ёнгин, ер кимирлаши ва бошқа табиий оғатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки харакатлари ва тарафлар назорат кила олмайдиган бошқа хар қандай холатлар тегишлиди.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равища давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равища огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

## **X. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартариш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо иқтисодий суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари асосида хал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил « 08 » 01 дан 2022 йил «31» 12\_гача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, ғазначилик бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

#### XI. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

#### XII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАР.

"Волида" Ф/Х

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Фарғона тумани Чекшурा қишлоғи

Тел./факс

х/в 20 208 000 604 119 845 001

Банк номи АТ “Халқбанк” Тошкент шаҳар Бош амалиётлар Бошқармаси

МФО 01125

СТИР 203616024

ИФУТ 01420



Рахбар

Г.Сатторов

(Ф.И.Ш)

(имзо)

Марғилон шаҳар Мактабгача таълим бўлими

(бюджетдан маблағ олувланинг номи)

Манзил: Марғилон шаҳар

Мустақиллик 673

Тел./факс

ш/х 400521860304127091100251033

СТИР 305152353 ОКОНХ 92400

Марғилон шаҳри бўйича Ғазначилик бўлинмаси

Ғазна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш/ББ

МФО 00014

СТИР 201122919

Рахбар

Х.Курбанова

(Ф.И.Ш)

(имзо)

М.Ү

